

Абдумажид АЗИМОВ

ҚАЛБИМНИНГ ВАТАНИ

Шеърлар

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт
санъат нашриёти
1990

Ўз
А 37

Шоирнинг ilk китоби



Азимов, Абдумажид.

Ўалбимнинг Ватани: Шеърлар.—Т.: Адабиёт
ва санъат нашр., 1990.—б.

Абдумажид Азим шеърятнинг дояси дард ва машаққат эканини юракдан ҳис этиб ёзади. Унинг шеърлари содда ва мураккаб, бир оз эртаннома ва яна мардона. У дунёдаги бор камчилиқни ўзидан ахтарган, ўз - ўзини фож этиш орқали ҳаммамизни бир-биримизга очиқроқ таништириб қўйишга шайланган шоир.

Азимов, Абдумажид. Родина моей души:
Стихи.

Ўз 2

А. $\frac{4702620202-182}{М. 352 (04)-90}$ Доп 89

ISBN 5-635-00792-9

С Абдумажид Азимов, 1990 й.

* * *

Юксаклик
Абадий азоб чўққиси
Тубанлик
Хаёлий дўзахнинг ўзи.
Гоҳ пахта тушаман,
Гоҳ юқорига,
Гоҳ ерга қараган,
Гоҳ тикдир кўзим.
Ўсаман сиримни
Асло бермасдан,
Замин тубларида
Томир ёзаман.
Музликлар диёри
Бошимда маскан,
Илдизимдан олов
Чақнаб ўсаман...

* * *

Кўзларимда дунё ташвишлари жам,
Уфққа қадалган кўзларим.
Шу ҳаёт ишқида яшасам,
Нурларга кўмилса йўлларим.
Нафтимда дуёни кўтарсам,
Майлига, қабарса қўлларим.

ҲАҚИҚАТ

Чинқирар юрагинг тунлар асабий,
Қиёфанг киргандир қумнинг тусига.

**Фаластинлик гўдак фарёди каби
Қувғинди юрасан ернинг юзида,
Мен сени топаман, ҳақиқат.**

**Разолат ўқидан юлдузинг сўниб,
Мозоринг чўкмоқда олис тупроқда.
Сағир қиз сингари хўрликка кўниб,
Кўзёшлар тўкасан овлоқда.
Мен сени топаман, ҳақиқат.**

**Улкан бинодаги темир ғаладон—
Тунлар кўкрагингдан босар хотиржам.
Юзтубан ётурсан бунда чалажон,
Дўсту ғанимларни ўйлаб ҳозир ҳам!..
Мен сени топаман, ҳақиқат.**

**Олам рангларига тўймади кўзим,
Лабларим армонли пичирлар секин.
Шунчаки бир гапми боболар сўзи—
Ҳақиқат эгилар, синмагай лекин?..
Мен сени топаман, ҳақиқат.**

**Агар сен бор бўлсанг ердами, кўкда,
Одам борса келмас бирор овлоқда.
Қуёш ётар жойи—алвон уфқда,
Оёқ куяр саҳро ё ёнар тоғда,
Мен сени топаман, ҳақиқат!**

* * *

**Шодликларнинг эрур давоми,
Кўзларимда ёнган ҳайратлар.
Бунда гуллар шивирлар номинг,
Бунда сени ўйлар дарахтлар.**

**Тапга ёқар кўклам ҳавоси,
Ёмғирларга очарман кўксим.
Уйғонаман, бағримга босиб,
Мажнунтолнинг шохларини жим!..**

**Подаларнинг туёқ изида
Гупуради баҳорги ҳидлар.**

Шаббодалар ўпиб юзимдан,
Лабларимга бир қўшиқ тутар.

Субҳидамда секин шивирлаб,
Термиламан маъсум кўзингга.
Шамолларни қўйдим сеҳрлаб,
Қайтмас энди улар изинга...

* * *

Чангли йўллар узра бир хаёл,
Сочилгандир бўлиб опшоқ нур.
Овозимни қўйиб бемалол,
Бунда қаттиқ йиғласам бўлур!

ТЕЗ ЁРДАМ

«Тез ёрдам» имиллар.

Вақт эса тизгиз.

Тез ёрдам керакдир барчага бу кун.
Қайғу билан қувонч

аслида эгиз.

Имиллар «Тез ёрдам» нимага, нечун?

«Тез ёрдам» бунчалар юрар имиллаб,
Телефон бандлари толди жиринглаб,
Телефончи аёл сочтин юлмоқда,
Ёмон иш бўлмоқда,

одам ўлмоқда.

Мошинлар шовқини нчра тўлғоиниб,
Одам ўлаётир

кўчада, қаранг,

Афсус-ла бир кампир бош чайқар ёниб,
Тирикми?

Бечора ёш экан, аттанг.

Вақт эса югурик.

Етмайди имкон,

Йўлларда гирдибод мошин қуюни.

Бизни хушёрликка чорлаб бир инсон,

Бугун орамиздан кетди қуюниб!

Биз бўлсак қаёққа?

Ўйлайлик бир дам,

Хаста виждонимиз соғаяр қачон?
Бекор ўртанишлар, бекор афсус,

Ғам.
Оёққа қалқайлик барчамиз бу он!
Тез ёрдам зарурдир инсониятга,
Тез ёрдам сўрайди гиёҳ,

Дов-дарахт.
Тез ёрдам зарурдир
виждониятга,
Ахир, у ҳам хаста, бемажол,
карахт.

Асраб қолиш лозим булбул, маролни.
Онамиз табиат қилар илтижо,
Асраб қолиш зарур мовий Оролни,
Тез ёрдам сўрайди

уммонлар ҳатто,
Фурсат шошилтирар.
Тасалли нечун?
Сўнгра минг пушаймон беҳуда,

ахир,
Виждонларни моғор босмаслик учун
Бугун

барчамизга
тез ёрдам зарур!

* * *

Юзма-юз турибмиз,
Ҳаёт, иккимиз.
Бунда бегоналар,
Бермагай халал.
Қийнади қалбимни
Умрбод бир ҳис,
Кўнгилда бир дарё,
Армону малол.
Майда ғалваларни
Илмадим кўзга,
Таъна-маломатга
Бепарво ўтдим.
Дедим, булар билан
Йўлларим ўзга.
Ўттиз йил ҳаётдан,

Мўъжиза кутдим.
Уттиз йил йиғладим,
Кулдим дунёда,
Утган кунларимдан.
Бу кун афсуслар,
Бу кун аламларим.
Ҳаддан зиёда,
Бу кун томоғимда.
Тош қотди сўзлар.
Фурсат барчасига,
Энг одил ҳакам,
Кўзим ёшларини.
Шодлик деб билдим.
Орзу-умидларга.
Суяниб маҳкам,
Уттиз йил ҳаётда.
Йиғладим, кулдим!
Ҳали кўп йиғларман,
Қийналар-ку жон.
Азоб оғриқларга,
Топарман сабот.
Ҳали кўп куларман
Жон бўлса омон,
Сен ҳақда хўп ёниб,
Куйларман, Ҳаёт!

ОТАМ БИЛАН УРУШДАН ҚИРҚ ЙИЛ КЕЙИНГИ СУҲБАТ

У пайтларда ёш бола эдим,
Тенгқурларга мақтаниб дедим;
— Қатнашганман жангда дўстларим,
Тасдиқлагай отам сўзларим.
Дўстларимга мақтаниб эдим,
Ёлғонимдан келма ғазабга.
Ёнингда эдим,

қонингда эдим.

Ота, ахир ўша лаҳзада!
Урушда мен бўлмадим, бироқ—
Бир ўт кезар тунлар қонимда.
Душман билан олишганинг чоқ,
Ҳамроҳ эдим сенинг ёнингда.
Онам—унда учбурчакли хат,
Армон эди у сенга зотан.
Ҳали менинг онам—муҳаббат,
Менинг онам эди шу—Ватан!
Омон чиқдинг қаттол урушдан,
Менинг бўлса жароҳатим йўқ.
Вужудингни тешган ҳар бир ўқ,
Заҳри менинг қонимга ўтган!
Ногоҳ дўстдан алам ўтганда,
Биров мени бехос туртганда,
Гоҳо амалдорни кутганда,
Асабларим тортилар таранг.—
Ўзимни босишга уриниб аранг,
Уларни оқлайман, сукут сақлайман,
Урушни сўкишга тилим чоғлайман.
Пул деб виждонларин сотаётганлар,
Нафс деб ўз жонларин сотаётганлар,
Ҳаромтомоқларни кўрганда,
Ғазабим келади, наҳот биз, ота,
Шу исқирт виждонлар учун,
Шу исқирт инсонлар учун,
Ҳайиқмадик ўлимдан ҳатто!
Уч ўғилдан бир ўзинг якка,
Талотумда ўлмадик, бироқ—
Қўлларингда қўлтиқтаёқ.
Қарор қилдинг бот яшамакка...
Ҳозир бўлса тинчлик замони,
Замонларнинг дориломони.
Йиллар ўтар ўн, йигирма,
Қирқ йил, юз йил ўтар.
Мендаги бу оғриқ ўғлимга,
Ўғлимдан ҳам ўғлига ўтар.
Биламан, у минг йилга етар.
Етар... Етар... Етар...

БУ БИЗНИНГ ЕРИМИЗ

Бу бизнинг қувончдир ўзгаларга ёт,
Оппоқ хирмонимиз осмон шифтида.
Бу бизнинг азобдир, кўтарди азот,
Қизлар хирмонларни митти кафтида.

Бу бизнинг халқимиз, бу бизнинг улус,
Тийрак кўзларида диёнат балқар.
Эшикдан кирганга доим очиқ юз,
Савоб иш қилганни кўкар, деб алқар.

Бу бизнинг отамиз, бизнинг онамиз,
Бало-қазоларга жонлари қалқон.
Улкан ҳаётдаги илк остонамиз,
Бизни хавотир-ла, кузатар ҳамон.

Бу бизнинг ўғлимиз, бизнинг қизимиз,
Севиб ардоқлаймиз уларни харчанд.
Бойлик йиғмасак-да, боймиз ўзимиз,
Бизда энг табаррук неъматдир фарзанд.

Бу бизнинг еримиз, бу бизнинг Ватан,
Қуёшга юз чайган водий, далалар.
Нон-тузни ўртада кўришиб баҳам,
Усар бу ҳовлида бизнинг болалар.

ШЕЪРИЯТ

Р. Парфига.

1

Тилларим бўғзимда муаллақ қотди,
Шашқатор тўқдим мен кўзда ёшимни.

У, илҳом қуёши қайларга ботдинг!..
Иўқотдим, йўқотдим мен қуёшимни.

9

Бундай бедодликка ҳеч чидаб бўлмас,
Жунун водийсида сарғариб кездим.
Токи тирикдирман, туйғулар ўлмас,
Ҳар бир хужайрамда мен буни сездим.
Кечар лаҳзаларим асрларга тенг,
Бошимда гоҳ ёғду, гоҳи туманлар.
Шеърят, ў, сенинг марҳаматинг кенг,
Мени қийнамоқда шубҳа-гумонлар.

2

Сени ўз онамдек этардим эъзоз,
Наҳот, тингламассан бугун ўғлингни.
Менга бўйсунмоқни истамас қоғоз,
Тирнаб қабартирдим инжа кўнглимни.
Йироқларда ўтмиш, келажак йироқ,
Икки ўт ичида бешафқат ёндим.
Кўзимдан тирқирав кўзёшмас, фироқ—
Адашдим, эҳтимол ўзимдан тондим.
Қанча ҳайратларим, изҳорларим бор,
Уларни айтурман бу кун кечикиб,
Ниҳоят, сен билан кўришдим дийдор,
Соғиниб, ўртаниб, ёниб, ичкикиб!
Ў, илҳом, бу лаҳза васлингга етдим,
Уйғонди исёнкор туйғулар қонда.
Минг йиллик уйқудан уйғониб кетдим,
Туркулар айтурман туркий лисонда.
Мен шеърлар айтурман, айтурман қониб,
Ўчгай юрагимда доғу аламлар.
Рухимда уйқудан кетди уйғониб,
Минг йиллик уйқуда ётган оламлар!

ҲАМАЛ

Уйғонади ариқлар, уйғонар оқар сувлар,
Уйғонар ўнгирилларда сон-саноқсиз сурувлар.
Далалар уйғонади офтобдан эмиб нур,
Дарахтлар уйғонади ғунчасидан томиб дур.

Кўксимда уйғонади бехос ҳайқириб юрак.
 Шамолар уйғонади, уйғонар қари терак,
 Уйғонади самовот, уйғонади жаҳонлар,
 Уйғонади керишиб жаҳондаги инсонлар.

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Севаман деб гупирмоқ осон,
 Қизармасдан, тортмасдан
 Хижил.
 Қийналмаса ёмондир виждон,
 Ватан учун жон чекканда эл!
 Ватан деган буюк оғриқни—
 Ҳис этишдан тамом бегона,
 Кимсаларга йўлиқдим бисёр,
 Гоҳ хизмат,
 Гоҳ турмуш баҳона.
 Улуғдирсан
 Хар қандай шеърдан,
 Танитолдинг менга ўзимни.
 Сенга бўлган қайноқ меҳрдан
 Тарашладим ҳар бир сўзимни.
 Изтиробим,
 Шодлик, кулфатим,
 Орзу ўйим,
 Сен билан боғлиқ.
 Сен ўзингсан содиқ улфатим,
 Қалбимдаги туганмас оғриқ.
 Ватан асли сукутда ётган
 Боболарнинг барҳаёт ёди.
 Бутун умри чимматда ўтган
 Мисмоларнинг аччиқ фарёди!
 Менга Ватан—
 Хазрат Навоий,
 Ўлимдан тап тортмаган.
 Широқ.
 Авлод келар бирам ҳавоий.

Ватан деган оғриқдан йироқ.
Қабул қилинг,
Маломат дебмас,
Оғриқларга тўла
Бу сўзни.
Севаман, деб ҳайқирмоқ эпмас,
Минбарлардан лўқ қилиб кўзни.
Сиз курашинг, қийналинг бир оз,
Ахир бу ҳам виждонга боғлиқ.
Ажаб эмас, уйғонса бехос,
Қалбингизда бу ҳис, бу оғриқ!

МУҚАННА

Юр кетайлик, кетайлик бирга,
Тошга тегди, синди умидим.
Шамол бўлиб келгандек Ерга,
Оловларга айлан, вужудим.

Ёлвораман сенга эй, худо,
Вужудимни ўрагин нурга.
Ботир тақсин қиличим аммо...
Қисматимни бергин шоирга.

ТОҒАМ АБДУХОЛИҚ ХОТИРАСИГА

Сен ўйладинг, қайтмайлик, майли,
Ёв ўқига бўлайлик нишон.
Майли, бизнинг ўлим туфайли,
Заминда ҳеч тўкилмасин қон.

Сен қайтмадинг отилган ўқдай,
Сени уруш қаърига ютди.
Бу қишлоқда ҳеч эркак йўқдай,
Унашганинг тоқ бўлиб ўтди...

ЎГИТ

Ғанимлар кўзига тик қаролмасанг,
Юртингни ёвлардан қутқаролмасанг,

Ғамингни шодликдай сиқаролмасанг,
Умрингни беармон ўткаролмасанг,
Болам, бу умрни яшадим дема.

Бил, ўз тупроғидан айрилган сари,
Хазонга юз бурар равзанинг боғи.
Сенга тоғ туюлса ўзгалар қири,
Сўнса оталарнинг ёққан чироғи.
Болам, бу умрни яшадим дема.

Инссига бир марта берилгай ҳаёт,
Уни эзгуликка сарф эт, одамзод.
Неча Жамшид ўтди, неча Кайқубод—
Ғар сенда бўлмаса собит эътиқод,
Болам, бу умрни яшадим дема.

* * *

Қалбим, сендан туйғун, сендан бокира йўқми?
Қийноқларга ташлар сени хотира ҳукми.

Хаёлларим шамолларнинг кезар қатида,
Иситаман юрагимни ойнанинг тафтида.

Мени ғафлат уйқусига ғарқ этар тушлар,
Хувиллаган боғларимни тарк этар қушлар.

Туманли бу дарёлардан ошарман олис,
Таъналару шиквалардан яшарман холис.

Мен кетарман узун-узун йўллар чўзилар,
Сатрларим—бу заъфарон гуллар узилар.

Юрагимнинг гулзорларин гуллари турфа,
Шодликлару азобларим, ишончу шубҳа.

Даста-даста бу гулларни қучиб эҳтимол,
Кетганим чоғ, бу оламда йиғлар бир аёл...

МУСИЧА

Тасодиф рўй бермас ҳеч вақт ўзича,
Донолар сўзи ҳам тасдиқлар буни.
Мана, мўмин-қобил шўрлик мусича,
Айвонимга уя қурди бир куни.

Очликдан онанинг патлари тўзиб,
Полапонга емиш излаб овора.
Мушукнинг уяга тушди-ю, кўзи,
Лабларини ялаб қўйди ошкора.

Она-да, мушукни енгандир, балки,
Бироқ не ҳожатдир мантиқни бузиб...
Сен мусичамижоз бўлмагин эй, дил,
Юртингда мушуклар қолганда кезиб!

МУИН БСИСУ

Қонимда йўғрилди ажиб маъволар,
Кўксимдан қуйилди турфа наволар,
Ахтардим зулматдан оппоқ зиёлар,
Руҳимда туғилди сўнмас дунёлар.

Лек гулим тўкилди қайларга борсам,
Лек кўзим чўқилди қайларга борсам,
Лек йўлим бекилди қайларга борсам,
Лек муштим туғилди қайларга борсам...

Тўйдим дунёдаги келим-кетимдан,
Куйдим номард билан ўтриқ битимдан.
Вужудим тўйди-ю, алам-ситамдан,
Ўтди устихондан, ўтди этимдан.

Бору йўқлигимни билмас бу ҳаёт,
Билса ҳам, назарга илмас бу ҳаёт.
Мен эса, мен эса... бўғзимда фарёд,
Қонимдан гулларни этарман бунёд!

Гоҳ айтасиз тутоқиб бирпас,
Узиб ташлаш жонздир дарҳол.
Гоҳ ўйлайсиз, узиш шарт эмас,
Эгиб олсак, ўзгарар аҳвол.

Садоқатли маҳрамдек бўйин
Олиб юрар мағрур бу бошни.
Эгиб олиш нақадар қийин,
Узиб ташлаб бўлмас бу бошни.

УТАЁТГАН ЙИЛЛАР

Йигирманчи аср кечар асабий,
Турфа қийноқларга солиб жонимни:
Йўртаклар меҳрибон волида каби
Қадимий момомиз—Бибижонимни!

Чўллар қучоғида, тоғлар бағрида
Оналар туғмоқда улкан ўғиллар.
Юртимнинг энг хилват қишлоқларида,
Беруний, Синолар қайта туғилар.

Бу аср бағрида йўқдир мўъжиза,
Ҳаётга термулар огоҳ фазогир.
Кундан-кун кўпаяр кўзим ўнгида
Инсонни қуршаган шубҳа, хавотир.

Хизмат дучор қилар сояларга гоҳ,
Йигирма беш ёшим чекар машаққат,
Яшашим керакдир баридан огоҳ,
Юраки жарроҳдек тилиб бешафқат!

Яшашим керакдир ҳаловат билмай,
Нурлар тезлигида қувлаб йилларни.

Оқар томиримда қўшиқлар тинмай,
Йиллар манглайимга чизар йўлларни.

Олиб учар мени йиллар қаноти,
Юксак чўққиларга элтар бокира.
Янгидан бошланар менинг ҳаётим—
Туғилдим—энди мен ўлмайман сира!

Ҳақиқатнинг теран осмонларига,
Офтоб манзилига элтар бу йўлим.
Заминнинг қўрғошни туманларида,
Юрган одамларга чўзарман қўлим.

Йилларда мўъжиза рўй берар шунда.
Оғочлар бир-бирин одамдек суяр.
Фалакнинг бегуноҳ қушлари унда—
Қайноқ кафтларимга келиб ин қўяр.

Қувончу изтироб тилиб кўксимни,
Бошим ер шаридек айланар тинмай.
Опичиб ўтарман, элим, ўзингни,
Оловли йўллардан ҳаловат билмай!..

* * *

Тилларинг ҳар сафар

тонди севгидан,
Аммо нигоҳингда туйдим бир меҳр.
Мени жудо қилма олий туйғудан,
Сизғиниб, ёлбордим ғаройиб сеҳр.
Сен-да, кўк тоқида қўл етмас

юлдуз,

Мен сенга алоҳа, етаман девдим.
Рухимни ўртади йилларки бир ҳис,
Мен сени, мен сени, мен сени...

севдим.

Энг оғир гуноҳим, иқрорим шулдир—
Мен сени жонимдан ортиқроқ
суйдим,

Хоҳласанг карам қил, хоҳласанг ўлдир,
Йилларки ҳажрингда беомон куйдим!
Мен куйдим,

бир ҳовуч кулдир шукуҳим,
Қатра кўзёшига айланди вужуд.
Кўкка парвоз этди ярадор руҳим,
Вужудим заминда музлади.

Унут.

Руҳимни ёд этди аҳли муҳаббат,
Танимга худолар ёғдирди раҳмат,
Фақат сен, шафқатни билмадинг,

фақат,

Сенга кам туюлди мен чеккан заҳмат!
Ҳамон сукутдасан, сен жимсан ҳануз.
Мени севмаганинг ёлғон, севгилим.
Йилларки, ўртада муаллақ бир сўз,
Йилларки қўлимда сарғайди гулим!
Ҳамон бу ҳасратни юта олмайман,
Бир сўз айтишингни

кутарман ҳамон.

Дунёдан ноумид ўта олмайман,
Мени севмаганинг, севгилим ёлғон.

УИ

Ота мен бугун уй қурдим.
(Тўрт яшар ўғлимнинг гапи)

Бугун уй қурганинг айтасан менга,
Эрмакка эмасдир сен қурган бу уй.
Уй қур, эътирозим йўқ зарра сенга,
Сен ҳам катталарнинг ташвишини туй.
Яхшидир ўз ҳаққинг олсанг айириб,
Ўзингдан катталар билан энди тенг.
Учқур қанотингни қўймас қайириб,
Ўғлим, бу Ватаннинг қучоқлари кенг!
Ўзинг тўрт ёшда-ю, катта ўйларинг,
Тор келар ижара митти жонингга.
Қувониб кўрсатдинг қурган уйларинг,
Ишдан ҳориб қайтган ота-онангга.

Жилмайиб қўяди онанг бир нафас,
 Отанг ҳам эҳтимол, қилмайди парво.
 Уғлим, сен ҳаётга яша қасдма-қасд,
 Нотанти қисматга кўникма аммо!
 Бир кун улғаярсан қуюлар шўхлик,
 Юмушга чорлайди Ватан сизларни.
 Бошинг سموи бўлса, кўрарсан ўғлим,
 Уз юртида юрган ватансизларни.
 Кўрарсан, аввалда қисишиб бўйин,
 Уйингга кирувчи қўноқларни сен.
 Бировга бўшатиб туғилган уйин,
 Ватан, деб ҳайқирган қўрқоқларни сен.
 Уғлим, сенинг учун балки бу ўйин,
 Уй қуриш осондир сенинг ёшингда.
 Мен-чи, қуролмасдан ҳамон ўз уйим,
 Сочларим оқарди ўттиз ёшимда!
 Уйинг борлигини айтасан менга,
 Узинг тўрт ёшда-ю, ўйларинг катта.
 Уй қур, эъгирозим йўқ асло сенга,
 Сенинг уйинг бўлар ўғлим, албатта!

ЁВВОЙИ ГУЛЛАР

Гунаҳли, ҳоқиқи
~~Гуноҳкор қўллар,~~
 Қизғалдоқларим.
 Ёввойи гулларим,
 Ёнар кўзингиз.
 Сизни уза олмас,
 Гуноҳкор қўллар,
 Жоним сингилларим,
 Ахир, ўзингиз.
 Сизга Ватан бўлмиш,
 Дала, боғ, сайҳон,
 Инсон юра олмас.
 Сўқмоқли хилват,
 Боқиб ҳуснингизга
 Кўзларим ҳайрон,
 Қайдан бу тароват,
 Қайдан бу келбат?
 Жажжи сингилларим,
 Очиқюз, там-там,

Яна кўз очдингиз,
Сочдингиз атр.
Нигорон бўлдингиз
Келар деб акам,
Боқиб йўлларимга,
Интиқ, бесабр.
Соҳир муҳаббатнинг
Улмас баётин
Ёниб куйламоқдан,
Тинмайсиз ҳамон.
Хазон бўлаётир
Менинг ҳаётим,
Бир гул ҳижронида
Ўртаниб ёмон!
Бир гул ҳижронида
Ҳаётим куйгай,
Ўзни парвонадек
Ўтларга урдим.
Афсус, умр бўйи
Бир гулни суймай,
Ўтган кимсаларни
Кўп бора кўрдим.
Гунафша, қоқягул,
Кизғалдоқларим,
Мунис сингилларга
Менгадим сизни.
Кўзимдан тирқираб
Соғинч, оҳларим,
Мунис бағрингизга
Ташлайман ўзни!

* * *

Менинг умид билан кўкка чўзган қўлларим,
Тундай қаро сочларингга боғлади ёр-эй.

Олис кунлар, олис тунлар боғлаб йўлларим,
Кўзларингни бир кўрмоққа қилдилар зор-эй.

Елворардим тушларимдан кетма деб йироқ,
Дунё асли кўзларимга бўлди-ку, тор-эй.

Армон эдинг менга ҳар не армондин кўпроқ,
Бегонанинг таскинлари қилмагай қор-эй.

Кўклам келиб булбулларнинг кўксига доғи,
Биз ўйнаган сайҳонликда алвои баҳор-эй.

Эриб битди Сурхондаги тоғларнинг қори,
Лекин мангу эрмагай кўксимда қор-эй.

ХОТИРА

Дераза кўзини синдириб
бехос,

Айбингни ағадардинг менга, синфдош.
Жазоланглар дедим қаҳрамонга хос,
Йўқ айбим тан олдим, аталдим
бебош.

Муаллим уришмади, хўмрайиб деди:
Ойна келтирмасанг, кўрмайин қоранг.
Шамол елар эди, қор келар эди,
Айбим жиноятга айланди,
қоранг!

Синфдош, олиб қочдинг
мендан кўзингни,

Хоинга айландинг сен ўша лаҳза.
Мен ҳам оқлолмадим сира ўзимни,
Дарз кетди беғубор юрак—дераза!
Оқсоч муаллимни ўйлайман баъзан,
Хсин ҳамсинфим ҳам аччиқ хотира.
Сенга йўлолмайман аммо дераза—
Дарз кетган болалик—

бебош, бокира!

Бир гап айтолмадим оқлаб ўзимни,
Очиқ деразани кўксим-ла
тўсдим.

Кеч энди, кеч энди бу афсусимни,

Юзингга айтмоғим кеч энди,
 дўстим.
 Тугади болалик баҳорим барвақт,
 Содда ҳайратларим
 турар ўкиниб.
 Жасорат қилишга айласам-да, шахт,
 Вақт мендан бари бир
 олди ўчини.
 Инграйман, кўксимда оғриқлар сезиб,
 Бебош ўт ёшликнинг
 дамлари тинди.
 Совуқ изғиринлар туради эсиб,
 Юрак—деразамдан бир умр энди...

* * *

Бир ойлик меҳнати—
 Арзимас маош.
 Очкўз ишонч билан
 Санайди мағрур.
 Бир муддат асаби
 Тортади ювош,
 Ишхонадан уйга
 Жўнайди оғир.
 Нима олсам экан,
 Уй сураб тушқун,
 Рўзғор халтасини
 Кемираб сичқон.
 Ўзига кўйлакми,
 Хотинга пўстин
 Олишини ҳар кузак
 Қилади армон.
 Рўзғор эса ғордир,
 Тўлмайди сира.
 Ахир, ҳечвақога
 Етмайди бу пул.
 Кўшнидан қарзини
 Узиши керак,
 Кўчани айланар

Ғашланиб кўнгил.
Бир ойлик машаққат,
Арзимас танга.
Уни қайта-қайта,
Санар бехато.
Гўё масхаралаб
Йўлакда унга,
Хайру садақа деб,
Қўл чўзар гадо,
Сира чидаб бўлмас,
Ақлидан озар.
Кенгаяр кўксида
Кетаётган дарз.
Чўнтак астарларин,
Қатини ёзар,
Бор бўлса гадога.
Бағишламоқ фарз.
Очимдан ўлмасман,
Ўйлайди тағин.
Утар расталардан
Бекитиб кўзни.
Ижара кулбада.
Хуфтонга яқин,
Шоир нон ўрнига
Тамшанар сўзни.

* * *

Мени олиб бўлмагай қўлга,
Хушомаду алдовлар билан.
Чиққандирман муқаддас йўлга,
Юрагимда оловлар билан.

Кўзларимни қопламас парда,
Шону шуҳрат, ёлгон, таъмадан.
Қисматимга қилмасман зарда,
Қийноқларда қолсам дафъатан.

Сиз ўйлаган навниҳол ўзга,
Нигоҳингиз қадаманг ғайир.

Мажнунтолдай бўлоам-да, кўзга,
Илдизларим чинордан чайир.

Йўқотганман ҳаловатимни,
Гоҳи ёниб, гоҳи тутарман.
Қувончимни — маломатимни,
Шеърларимда иншо этарман.

Оқни қора демасман бироқ,
Ўхшатмангиз ҳирс бандасига.
Мен раққоса эмасман бироқ
Ўйнамоққа чирмандангизга.

Ўзим ҳалол меҳнатда топган,
Бойлигимни афзал биламан.
Имонини бир пулга сотган.
Нокаслардан ҳазар қиламан.

Жон жимирлаб вужуд мулкида.
Виждонлари ўлганлар буткул,
Замонанинг тутиб илкидан,
Яшашлари бари бир мушкул.

Атрофимда бўлманг парвона,
Сўзингизга учмасман лаққа.
Ҳақиқатни куйлагум ёна,
Суянаман ҳамиша ҳаққа.

★ ★ ★

Юрагимнинг ҳажми
туғилган муштим,
Сигмас у кўксимга, сигмас ўзимга.
У нурга йўғрилган
озод бир қушким,
Ёруғлик бахш этиб яшар кўксимга.
Вужудим Ватандир
шу озод қушга,
Уни эркалайман суйгандек гўдак,
Мен ахир, оламга келмайман бошқа,
Мен ахир, оламда кимгадир керак.
Тупроқда бемалол юрмоғим учун,

Аввало одамга айланишим шарт.

Мунаввар офтоб бўлмоғим бугун,
Осмон кўксига жойланишим шарт!

Олда қисматларнинг зирҳли девори,
Сакрашга чоғланиб.

ростлайман нафас.
Ҳеч нарса демасман Сизга дил ёриб,

Чўғдай тилларимни суғураман, бас!

Эҳтимол, сизларни алдадим кўпроқ,
Кулгим ниқобида кўзёшим пинҳон.

Яхши бир одамни ютмоққа тупроқ,
Тоғлар ютганидек

қуёшни оқшом!

Офтоб бошимизда порлагай тонглар,
Тераклар тебранар

сарин елларда.

Келиб кетаверар наҳот инсонлар?
Йиллардан йилларга,

йиллардан йилларга!

Шарқнинг кўҳна чинорлари — чоллар,
Уятчан қизлари — мажнунтоллар,
Қарар йўлларга,
Қарар йўлларга.

* * *

Инсон ётса уйқуда карахт,
Бир томири уйғоқ ҳамиша.
Усаверар шарқий бу дарахт,
Бўронлару довулга пеша.
Товланади офтобда сариқ —
Япроқлари куйиб куз фасли.

**Кекса дарахт—қадимий тарих,
Аждодларнинг закоси асли!**

Ушандаёқ ярим дунёни
Улар бутун ҳолида кўрган.
Ишғол этиб арзу самони
Хаёллари фалакда юрган.
Улуғ ҳаким ал ибн Сино,
Хоразмийдир бунга кафолат.
Яшил дарахт илдизин аммо.
Қўпормоқчи бўлди жаҳолат.
Яшил дарахт кўзида фараҳ,
Ишонмайман ғанимга мутлоқ.
Волидам Шарқ ётмагин карахт,
Осмонларга қараб ёз қулоч.
Турфа маслак ва турфа ғоя
Тўқнаш келар менга ҳаётда.
Рухингизга бўлдим ҳамсоя,
Гоҳ Туркистон, гоҳи Қиётда.
Нигоҳимда минорлар нақши,
Рухим эса ҳамон лунд, карахт.
Бўронлару довулга қарши,
Яшагайсан, мўъжиза Дарахт!
Яшагайсан огоҳ баридан,
Хаёлотга бўлиб тунлар ғарқ.
Навийнинг сатрларидай,
Мангудирсан, онажоним Шарқ!

* * *

Мен қанча гапирмай днёнатлардан,
Ҳаётда не бўлса қутлуғ, муқаддас.
Олам ҳоли эмас хиёнатлардан,
Ором олмоқликка йўқдир бир нафас.
Олға қистаюрман илдам хаёлни,
Кўксимдан отилар оловли сўзлар.
Атрофда кўрарман турфа бир ҳолни,
Биров кулиб яшар, бировлар бўзлар.

Ҳамиша қийнагай мени бир фоже,
Ҳаёт саҳнасига тикилган кўзим.
Оташ шамолларга кўксини очиб,
Келаётир биров—бу менман, ўзим!

Вужудим бир умр олов бағрида,
Мисли самандардек ёнмоғинг керак.
Сени улоқтиргум осмон қаърига,
Сурхон даштларига сиғмаган юрак!

Дилим изтиробу соғинчга тўлди,
Неча қаттол ўқлар тилди кўксимни.
Хиёнат, алдовдан неча бор ўлдим,
Ниҳоят, танидим бугун ўзимни.

Иснодга қорсалар гоҳи панада,
Не ажаб, номимни улфатлар сўзи.
Мени тўқнаштирар ушбу саҳнада,
Ҳар хил махлуқларга ҳаётнинг ўзи.

Шамолдай ўтарман бир кун дунёдан,
Забун ҳолатимнинг боғлар гувоҳи.
Тошлар фарёдидек учар ҳавода,
Узун кечаларда юрагим оҳи...

* * *

Келганман, эҳтимол,
Ўзга замондан.
Менинг ўттиз йилим
Сўзламас ростин,
Менинг ўттиз йилим
Куйди ёлғондан,
Елрончи ўттизим,
Елғондир дўстим,
Нетай, бу танимда
Жоним омонат,
Кимнингдир қошида
Ҳайиқиб турсам.
Кечир гуноҳимни.

Аҳли жамоат,
Овлоқда халқим, деб
Кўксимга урсам.
Нега ҳам чекмайин,
Қийналмай нечун?
Шу мушфиқ улусни
Онамдек суйдим,
Халқинг қўй, дедилар.
Юзимга бир кун,
Сонсиз томиримда
Оғриқлар туйдим.
Халқинг йўқ, дедилар,
Ёлғондир бироқ,
Жавобим тайёрдир,
Айтаман мағрур.
Ёлғон дер бу сўзни,
Тўмарис, Широқ,
Ёлғон дер ғазабдан,
Қорайиб Темур!
Тарихни опичлаб
Халқим бир замон
Башар иқболига,
Бўлгансан бешик,
Олам кўз тиккандир,
Элим, сен томон,
Сенсан, Шарқу Ғарбга
Кирилар эшик.
Сенинг остонангда
Сарғайиб кимлар,
Зору ташна бўлди
Хуснинг кўрмоққа.
Қўлларин ҳавога
Ёзиб Искандар,
Охири жо бўлди
Ҳовуч тупроққа.
Араби, муғули
От сурди бу ён,
Фозилу донишинг
Қора қон қусди,
Кечди қирғинбарот
Талотум, урён,
Бобуринг, Фурқатинг.

Чор тараф тўзди!
Нега ғам чекмайин,
Қийналмай нечун?
Болангман, ў юртим,
Отамдек суйдим,
Ўтди ғофил аср,
Иқболинг нигун,
Қора қон йиғладим,
Оловда куйдим.
Қора кўзим дея;
Куйладинг оғир,
Улуғбегинг кўкка
Термилди бедор.
Шунчалар буюксан,
Шунчалар мағрур,
Машрабингни ҳатто
Йиқолмади дор!
Кўп замон ўйнади
Бошингда шамшир
Шиддатинг эгилди
Кўпдан-кўп замон.
Кўчди бўрон каби
Инқилоб. Ҳайқир,
Энди юрагингга
Тор келди осмон!
Нега шодланмайин,
Кулмайин нечун?
Толенинг кулганда
Офтобюз элим,
Ўша Русияда.
Туғилди қай кун,
Ульянов—Ленин!..
У деди, қураармиз.
Ўзга бир ҳаёт,
Кишанлар синади,
Хур яшар қуллар.
Ўлимдан юксакдир
Эркака эътиқод,
Хур яшар заминда
Жамики эллар!..
Бошингда порлади
Ошпоқ саодат,

Қайтадан туғилдинг
Сен ҳам шу фурсат.
Замонинг келибди,
Етар, ростла қад,
Сен ҳам узоқларга
Бўйингни кўрсат!..
Аммо бош устингда,
Бор эди булут,
Даф қилди у сенга
Ғарбдан бу замон,
Шунда сен кўзғалдинг
Мисоли бургут,
Манфур ёвларингни,
Этмоққа яксон.
Олмос яроғингни
Шайладинг жангга,
Она сайёрага
Қўнмасин деб гард,
Бугун Европада
Учмас аланга—
Шаҳид ўғилларинг
Кўксидаги дард!
Нечун қийналмайин,
Чекмайин нола,
Ватаним, мен сени,
Ёримдек суйдим!
Мен суйиб йнғладим,
Қалбимда вола,
Бу кун ҳаловатим
Йўқотиб қўйдим.
Асло унутилмас
Алам, жароҳат,
Тинмас оналарнинг
Кўзёши ҳамон,
Мудом дунё кезар
Уруш—қабоҳат,
Мудом дунё кезар
Хиёнат, ёлғон.
Бу оппоқ субҳидам
Бу ойдин саҳар,
Боғимда булбуллар,
Сайради шодон.

Ўзодлик истаган,
Жамики башар,
Талпинар осмонга,
Нажот деб ҳамон.
Нечун шодланмайиң,
Кулмайин нечун?
Ялангтўш эй, элим,
Жонимдек суйдим.
Сенинг толеингга,
Ишондим бу кун,
Кўксимда тоғ каби,
Мағрурлик туйдим!

НОШУД ОДАМ

Кимлардир қоралаб, кимлар оқлашган,
Мен ношуд одамман, аслида дўстим.
Тилларим борса ҳам тилни ёғлашга,
Ёлғон, ёлғон дея сўзлайди кўзим.

Ишга ўз вақтида улгуролмайман,
Тулкидай товланиш қўлимдан келмас.
Биров чизигидан мен юролмайман,
Сирим йўқ оламда одамлар билмас.

Эҳтимол, ҳақдирман мен ҳам ўзимча,
Кун сайин кўпаяр бироқ ташвишим.
Яқин бир жўрамнинг айтган сўзича,
Қийин бу аҳволда менинг ўсишим...

Менга мартабангни пеш қилма, жўра,
Дуёе бут, фарзандлар шодланиб кулсин.
Сендек аросатда юргандан кўра,
Ношуд одам бўлиб юрганим бўлсин.

ХАЛҚ ИҶЛИДА

Келурсан боғ оралаб,
Ажиб товус хиром билан.

Изларингдан қоралаб,
Юргим келур юрган билан.
Дунёнинг бу феълига боқ:
Бир хўл ўтин, бирда олов,
Икки кўзим икки сўқмоқ,
Элтар юрагимга лов-лов.
Тугал ёниб битмас; учун,
Юрагимга кир, париваш.
Кўклардаги чақмоқ нечун,
Унга еру осмон туташ!
Ҳаёт сўроқ эди гўё,
Ҳаёт бу кун қилгай хитоб.
Ё кўксимда ёнар дунё,
Осмонда ё куйгай офтоб!
Қиё-қиё боқиб ўтли,
Ўрнашур кўзларинг кўзга.
Оламда бир ҳамрозим йўқ,
Сен—меҳрибонимдан ўзга.
Кузги япроқ бўлдим нетай,
Ҳолимдан олмайсан хабар.
Ярамга туз тепмоқ атай,
Феълингга бунчалар ёқар.
Киприкларинг ўткир тикан.
Юрак-бағрим чок-чок қилар.
Кўнглинг ҳали кўп ёш экан,
Куйганларим қайдин билар...

* * *

Қуримаган ҳали кўзёшим,
Ҳали умрим бўлмаган адо.
Азобларда қолди ёш бошим,
Муҳаббатим, айлагин садо.

Мен оғриндим тунлари якка,
Кўчаларга сочилиб умрим.
Тиз чўкмадим сендан бўлакка,
Топтамадим йигит ғурурим.

Севгин мени, севимли бўлай,
То кўксимда тирик имконлар.
Севаман деб ҳайқириб ўлай,
Ўлай майли, тупуриб қонлар!..

Муҳаббатим туғёним менинг,
Юрагимга тушмоқда ларза.
Рухимдагй исёним менинг,
Фазоларда ёққил, бир лаҳза.

Иста, мени қийна бешафқат,
Фақат сендан бўлмайин жудо,
Севаман де, айт сўнгги дафъа,
Ҳали умрим бўлмасдан адо!

* * *

Баҳор бу ўлкага келганда такрор,
Уфура бошлайди гулгун насимлар.
Умрим, баҳорларинг кузатдинг, бедор,
Қуш бўлиб учганда зангор фасллар.

Самода қалдирғоч урмоқдадир чарх,
Емғирдан ивиған кенг далалар жим.
Оппоқ наволарга бўлмоқдадир ғарқ,
Армонли бир қўшиқ истаган қалбим.

Оламга нурларин қўймоқда офтоб,
Гиёҳлар унмоқда қирлар сағрида.
Кўклам шиддатига беролмайин тоб,
Қорлар эриётир тоғлар бағрида!

Парвозга чоғланар бошлайсан гўё,
Қалбингда севикли бир туғён фақат.
Зангор туйғулардан ясаниб дунё,
Кўркини оламга сочса табиат.

Ҳаёт гўзаллашар сен ўйлагандан,
Гуллар ҳам тун бўйи бир-бир очилар.

Тонг чоғи, уйғониб ҳеч бўлмаганда,
Кўзингга йиғила бошлар томчилар...

* * *

Эсимда учрашув, дилгирлик қайта—
Тугар лаҳзасида кузнинг эҳтимол.
Байтлар жароҳатга малҳам бу пайтда,
Лабимдан сатрлар учарди беҳол...
Танҳо шеър кўнгилга бергайми далда,
Бу ҳам юланмоқда топилган чора?
Ҳаётим мазмуни биринчи галда—
Сен эдинг—сендан ҳам айрилдим, қара!..
Кезарди оламини заъфар кўйлақда,
Япроқлар шаклида титраётган куз.
Турарди нафасин ютиб йўлақда,
Сочига оқ қўнган аёллар маъюс.
Қалбингининг мулкени айлайди вайрон,
Хазонларнинг муздай жаранги ҳатто.
Телбаваш атрофга боққанча ҳайрон—
Лабларинг нивирлар, хато, бу хато!
Сен мени юракдан тушунгил. Раъно,
Офтоб чўкмоқда уфққа тараф.
Кўксимда бир қушча йиғлайди аммо,
Заъфар либосдаги боғларга қараб...

КУҲНА ОҲАНГЛАРДА

Оқшом қуйилади, ҳолим забундир,
Йироқ юлдузларга нитизор боқдинг.
Ғофил бандасига ёлғончи тундир,
Гирдимда ям-яшил бир баҳор оқдинг.
Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда,
Иккимиз сирлашайлик севгилим, овлоқда.

Оқ юзингга ойна бўлсам бўларми,
Эгачингга язна бўлсам бўларми.

Авжи баҳорингда гулзор оралаб,
Гулларинг атрига бағрим тўларми?
Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда,
Иккимиз сирлашайлик севгилим, овлоқда.

Ипак сочларингга бўлдим мен банда,
Чақноқ кўзларингга зиёдай сингдим.
Қалбингга нажиб бир дунёдай сингдим,
Бу ошкор дунё бўлди шарманда!
Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда,
Иккимиз сирлашайлик севгилим овлоқда.

Севгимни жориё этингиз боғлар,
Куйла бошим узра ложувард осмон.
Завқу-эҳтиросга тўлиқ бу чоғлар,
Қайтиб келмас, қайтиб келмас ҳеч қачон!
Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда,
Иккимиз сирлашайлик севгилим овлоқда.

ДАРАХТНИНГ УЧ ҲОЛАТИ

Дарахтим, сен зангори тусда,
Шамолларнинг ўпдинг бетидан.
Офтобни ўйинга қистаб,
Қараб қолдинг шомлар кетидан.
Шамолларнинг чопиб изидан,
Баргларингнинг тинмас шовқини.
Оқди зилол сувнинг юзида,
Сезмай тўлқинларнинг хавфини.
Кириб келар қаҳратон боққа,
Яланғоч бу танингда хўрлик.
Нега учдинг ўпич алдоққа—
Мотамсаро дарахтим, шўрлик!

* * *

Даладан қайтарди қиз,
Шомда, тугаб юмушлар.

Мезон фасли, авжи куз,
Сувга қўнди оққушлар.
Не бўлар таққослари,
Боқди қушлар баҳсига,
«Баҳор» раққосалари,
Тушар «Пахта» рақсига.
Тўлқинларга уриб тўш,
Сузаянсиз дадил, шахт.
О, гўзал қуш, гўзал қуш,
Моҳирўйга тиланг бахт!
Не айтсангиз қушларжон,
Бўлғусидир ижобат.
Юлдузлардан оқ маржон,
Қизга айланг мукофот.
Уйлар сурмакни якка,
Ишққа йўярлар дарров.
Зулфлари жамалакка,
Оғиз сололмас биров.
Уйга қайтар тун чоғи,
Кузатиб оққушларни.
Кечалар қиз қучоғи,
Қучар оппоқ тушларни.
Кеча сўнгида ногоҳ,
Айланар у оққушга.
Оламда энг бегуноҳ,
Оламда энг пок қушга.
Гўзал қушлар ортидан,
Учар олис маконга...
Қайтади тонг вақтида,
Дала—таниш осмонга!

АЛЛА

Ухла болам,
Қулуним ухла.
Оҳуларинг ухлайди тоғда,

Турфа гуллар очилар боғда.
Ухла болам,
Қулуним ухла.
Ўзинг-да етиб бир кун,
Фазоларга дадил бўйларсан.
Юлдузларга тўла ёз туни,
Авлодларим ким деб ўйларсан!

2

Тинчлик бизга толе, ҳуқуқдир,
Мовий фалак—улкан бир кўзгу.
Дунё сокин, урушлар йўқдир,
Қирқ йилдирки, ниятлар эзгу.

Ҳали стук бўлмаган гарчи,
Етмагандир вояга инсон.
Айланмоқда тириклик чархи,
Қирқ йилдирки ўқида равон.

3

Бобонг жангда топширди ўзни,
Тинчлик учун курашар отанг.
УРУШ! Таниб олгин бу сўзни,
Душманингдир сенинг ҳам зотан!

Ухла болам,
Қулуним ухла.
Ором олгин қўзим шу соат.
Манглайингда порлоқ саодат,
Ухла болам,
Қулуним ухла.

Юрак жим ўртанди. Қийнадим жонни,
 Қисмат аъмолимни айлади барбод.
 Қайтариб бўлмас у олис имконни,
 Бўғзимга кечалар тиқилар фарёд.

Бу ахир, тақдирнинг аччиқ хатоси,
 Нечун ҳеч бўлмагай уни тузатиб.
 Нечун жудоликнинг машъум садоси,
 Ортимдан юради тинмай кузатиб.

Мен сени шунчалар севаман, билсанг—
 Йўқдир ҳаётимнинг бўлак мазмуни.
 Агар ишқ бобида сен Лайло бўлсанг,
 Қонимда кезар минг Қайснинг жунуни...

Не суд, қилганимдан тунлар ёдингни,
 Чўқди орамизда баҳайбат тоғлар.
 Тутма Абдумажид дея отимни—
 Ялдо кечалари юрагинг доғлаб.

Сира қайтаролмас бу йўллар мени,
 Порлоқ оғушингга эркам, ҳеч қачон.
 Руҳимда исёнлар уйғотган сени,
 Ардоқлаб яшайди юрагим ҳамон!

ОНАМГА

Хобларимдан кетиб ҳаловат,
 Туйғуларим жўшди қай куни.
 Ўғлим, юргин дея саломат,
 Кузатдингиз йироққа мени.

Сиз истайсиз, ўғиллар доним,
Оналарнинг сўзига юрса.
Киндик қони тўкилган жойнинг,
Тупроғини кўзига сурса,
Йироқдаман, йўлда кечиккан,
Ўғилларга бўларман йўлдош.
Ўғилларин қўмсаб ичиккан,
Оналарга тиларман бардош!..
Нигоҳингиз толғин бунчалар,
Сизга аён ташвиш, қувончим.
Ухлолмайсиз, узун кечалар,
Юрагингиз чиқади санчиб...
Мен қайтарман онажон, бироқ,
Кутиш оғир сизга, биламан.
Ўлгунимча шу қутлуғ тупроқ,
Кенгликларни қўшиқ қиламан.
Мен қайтарман, тугаайди алам—
Киндик қоним тўкилган ерга.
Қайтадирман оппоқ тонг билан,
Офтобни ҳам етаклаб бирга!..

* * *

Қўшилмапти бизларнинг тақдир,
Мен ноҳақман, ағёрлар ҳақдир.
Фақат севгим мангу барҳақдир,
Қўшилмапти бизларнинг тақдир.

Нетай, сенга дил розим етмас,
Кўклардаги парвозим етмас,
Баҳору куз, қиш-ёзим етмас,
Чорламоққа овозим етмас.

Қисмат бу кун бизни эрмаклар,
Бевафони суйманг эркаклар.
Йиғлар баҳор—гулу чечаклар,
Йиғлар дунё—севган юраклар.

Севгим кўкда ярадор қушдир,
Умидларим саробдир, пучдир,

Кўнгил уйим ташландиқ, бўшдир,
Бахтим, сени кўрмоқлик тушдир.
Шодумон бўл, омон бўлгин, ёр,
Юрагимда туғён бўлгин, ёр.

Мағрурликда, осмон бўлгин, ёр,
Не бўлса ҳам, омон бўлгин ёр.

* * *

Осмон ютар оқ юлдузларни,
Яқинлашиб келади саҳар.
Юракдаги бедор сўзларим,
Юзларингга отаман, шаҳар.

Ўйлар эдим, ёш чоғларимда,
Ўз қуёшим, ўз ойим бўлур.
Хайрат ёниб нигоҳларимда,
Ишонардим, иқболим кулур.

Шаҳардаги торгина хонам,
Кўзларимга маъюс термилар.
Йироқларда мунисим Онам,
Иқболимдан умидвор бўлар.

Келаётир кунлар бокира,
Йиллар эса учар тизилиб,
Кечмишдаги жами хотирам,
Пешонамга турар чизилиб.

Улғаяман энди ҳар нафас,
Ойдинланар қалбимда ҳислар.
Эл шод кулса, омон бўлса, бас,
Орзумизга етармиз бизлар!

Қалбга яқин не бўлса қайтар,
Туман ҳислар тарқалар гўё.
Менга соғлом қўшиқлар айтар,
Менга дардлар бахш этган Дунё.

Сокин далаларга шудринглар эмас,
Ёғилар қизларнинг хушбўй навоси.
Бу мангу қўшиқни тинглайман элас,
Руҳимни килтар қизлар овози.

Ой тушиб кетади баланд чўққидан,
Узоқда милтираб ёнар чироқлар.
Тунлар оҳангини маъюс ўқигач,
Нурларга йўғрилар яқин-йироқлар.

Тонг ажиб туйғулар келтирар менга,
Ҳали қўшиқларим турар айтилмай.
Қандай оғир бўлар бу ҳаёт сенга,
Яшасанг, оламда борлигим билмай.

Юлдузларга тўлган кезде ҳам само, 3
Сенинг юлдузингга бўлолмасман дуч.
Қўрқаман, бир куни келарсан, аммо,
Сенинг бу ташрифинг бўлмасмикан кеч?

Тонг ажиб туйғулар келтирар менга,
Ҳали қўшиқларим турар айтилмай.
Жуда оғир бўлар бу ҳаёт сенга,
Яшасак бир умр рўбарў келмай!

ЗИЕДА МОМОНИНГ ТУШЛАРИ

Ярим тунда сукунат чоғи,
Остонада ота ўй сурар.
Теракларнинг оқиш япроғи,
Юрагини ҳовучлаб турар.

Занжирига боғланган кўппак,
Чарх уради ҳовлида шу он.

Ўғил кўрар тушида титраб,
Ўттиз яшар хушрўй бир жувон.

Ана аёл... терга ғарқ ботиб,
Ажал билан олишар тикка.
Бирданига қулоққа тотли,
Қуюлади бир овоз «инга-а!»

Тиниқ кўзда тиниқ бир ҳаёт,
Ухлар эри оғушида маст.
Ҳали дунё этар уни шод,
Ер юмшоғу осмонлардир паст.

Майли, қилдим кўкка ҳавола,
Худовандо, эгамсан гарчанд.
Қиз бўлса ҳам... қилиб у нола,
Қирқ ёшида тилайди фарзанд.

Аёл тушини қилмайди қанда,
Не бўлса ҳам, оҳ туғсам қани.
Тунлар беҳуш... қиз туғилгандай,
Тўлғоқ сезар аёл бадани...

Гоҳ ялт этиб, гоҳ ўчган юпанч,
Овутади аёл кўксини.
Еру кўкка сиғмайди қувонч,
Бўшангандек сезар ўзини.

Туйқус турар уйқудан сачраб,
Қирқ беш... умр ўртаси гўё.
Кўзларида недандир нафрат,
Ҳаётга ҳам боқмасдан қиё.

Уйғонади ноҳос уйқудан,
Кўзёшлардан яноғи куяр.
Ва... эрининг иссиқ қўйнида,
Бир гуноҳли хаёлни туяр.

Боқар э воҳ, навқирон умр,
Соб бўлибди, сочлари оппоқ.

Йўллар-чи, ҳеч тутиб бўлмас нур,
Титрар юрак—куздаги япроқ.

Момо қўйиб ёстиққа бошни,
Туш кўради охирги марта.
Эри, уфқ, улкан қуёшни,
Ва келини, кўзлари катта.

Уфққача йўллар ёришар,
Қуёш қучар чексиз далани.
Эру хотин кетиб боришар,
Етаклашиб митти болани...

ТОНГ

Безовта энтикиб турибди дунё,
Кўзлари ёриган аёлдек гўё,
Бўғриққан юзлари ботганча терга.

У. она табиат сенда ҳар қудрат,
Офтобни кўкларга кўтар шу фарсат,
Осмоним бағрини тўлдиргин нурга.

Заррин нурларига интилган кўз ҳам,
Юракнинг қатига қимтилган сўз ҳам,
Жаладек қуйилсин бу лаҳза шеърга.

Инсоннинг қўллари яратсин эзгу,
Олам чехрасида кўрайлик кулгу,
Суянчиқ бўлайлик онамиз—Ерга!

ОТАМ ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Кездим шаҳар, ўйларим порлоқ,
Тўйиб қору ёмғир исига.
Қишлоқдаги сочлари оппоқ,
Деҳқон отам тушиб эсимга.

Қору ёмғир асли ёруғ юз,
Элу юртда маъмурлик шоён.
Ватанингга сен бердингми сўз,
Устидан ҳам чиқарсан аён.

Чўллаган боғ мева бермасдан,
Қувраб қолди бир йили роса.
Ота, боққа парво қилмасдан,
Суғорардинг ойдинда ғўза.

Ота, хазон бўлмагай боғинг,
Мева тугар шигил, беҳато.
Юрагингдан кетгайдир доғинг,
Бу йил сувлар серобдир, ота.

Сен аҳёнда бир қур ўйлайсан,
Аёлингни, болаларингни.
Бироқ чуқур, чуқур ўйлайсан,
Пахтазоринг, далаларингни.

Улғайишиб ўғиллар бир кун,
Далаларни севса жонидан.
Кўсакларга ўтирган дуркун,
Ўзаларга берса қонидан.

Қорайтириб юзинингни оташ,
Офтоб ҳамроҳ бўлади якдил.
Эгатларни — уфққа туташ,
Суғорасан қувониб бу йил.

Ҳали ўқилмаган китобдир,
Далаларга ёзган достонинг.
Дарёларинг бу йил серобдир,
Отажоним — Ўзбекистоним!

* * *

Еламан, йўлимда ел ўйнар нетинч,
Шубҳа-гумонларнинг бағрин тиламан,

Кўзимга тиқилган
 ҳижрону соғинч,
Қошинга келаман,
 фарёд қиламан.
Бўм-бўш қисматингни
 обод қиламан.
Мен бахтга интизор
 интиқ бир Дунё.
Гулим, ҳаётингни кўмарман нурга.
Сенсиз менинг умрим—
 ҳиссиз, зимзиё—
Биз бахтли бўлурмиз
 иккимиз бирга!
Қуёшдай кулурмиз
 иккимиз бирга.
Сен бахтли бўлурсан
 ишончим тўлиқ,
Бахтга айлантиргин
 бу кун ҳижронни.
Сени ҳеч ким мендек
 сева олмас, йўқ,
Бсриб бир ҳолинга
 жумлаи жаҳонни!

КЕЧИКИШ

Юлдузлар чақнади сонияларда,
Кечикдим.
 Тақдирим бўлаётир ҳал.
Адашдим мен ўзга дунёларда,
Лаҳзалар ҳукмига турибман
 маҳтал!
Кечикдим, вақтдан енгилдим
 охир,
Шароблар ўрнига қонимни ичдим.
Адоқсиз йўлларда
 сургалиб оғир,
Кечикдим. Севгимга
 кафанлар бичдим!

Неларни кўришга улгурдинг, кўзим?
Сабоқ чиқармадинг.

Очилмадинг ҳеч.

Бу кун ўзлигини унутди УЗИМ,
Афсуслар чекаман.

Минг афсуски кеч

Кечикдим, ботмоқда

қуёш қизариб.

Япроқдай умримдан узилди кунлар,
Тунлар ой фалакда

бўзлар бўзариб.

Юрак жим.

Бўғзимда тош қотди унлар.

Енгилдим вақтдан бутун умрга.

Тақдир Хукмин кутиб

кунлар кечмоқда,

Кечикдим, кўзларим тўймади

нурга,

Вақтнинг қанотида

Замин учмоқда.

У учқур йилларда

кўп эрур қарзим,

Замин жим.

Осмон жим.

Юрак жим нечун?

Курашиб яшашга кечикдим бир зум,

Кечикдим,

улгура

олмайман бугун!

ЧОРЛОВ

Бу кун тилларимга бўйсунмас сўзлар,
Куйлар томирларим жарангли торлар.
Осмонни тўлдириб турган юлдузлар,
Бизларни бахтиёр бағрига чорлар.

Камалак сингари кўкка тирмашиб,
Мовий тўлқинларга урайлик қанот.

Олов нафасимиз лаҳза чирмашиб,
Чақмоққа айланиб кетайлик озод.

Алвон яноғингдан таралгай шуъла,
Офтоб хавотирга тушади ногоҳ.
Юрагим афсункор гулларга тўла,
Сенга аталгандир кўксимдаги боғ.

Юракнинг бетўхтов дупурларидан,
Гўзалдир бир хилда оҳангни туймоқ.
Оҳиста шимириб ой нурларидан,
Гўзалдир бир хилда оташда куймоқ.

Ҳамроҳимиз бўлгай кўкдаги офтоб,
Муяссар бўлурмиз бахтга мукаммал.
Кўксимда юракка айлангин моҳтоб,
Бахтлар диёрига кетишдан аввал!

* * *

Юрак—кўкрагимда ёнаётган тош,
У борки, дунёда сўнмас овозим,
Ҳаётбахш бир сўзни, ҳаётга уйқош,
Юракдан ахтариб топишим лозим.

Оёғимга таниш жами йўлларга,
Ёзмоғим аниқдир қайтадан изим.
Сулув аёлларга рақиб гулларга,
Ахтариб топаман юракдан исм.

Ўқлар овозидан ухламаётган,
Дунёнинг кўзлари толиқиб оғрир.
Қон билан ёзаман ушбу сабабдан,
Ахтариб топганим исмни ҳозир.

Гўдак кулгисига кўмилган ҳаёт,
Мен топган исмга ёнма-ён турар.
Унда ўз бахтини кўриб одамзод,
Нигоҳидан соғлом дунё уфурар.

Улкан харитага тикиб кўзимни,
Йиллар тўзонини кечиб чопарман.
Шундай жозибали, гўзал исмни,
Қалбим Ватанидан бир кун топарман.

* * *

Уйғонаман эртага тонгда,
Бошқа одам бўлиб тураман.
Унутилган не бўлса қонда,
Барчасини тирилтираман.
Одамларга бўлган ишончим,
Пок туйғулар гуллар қалбимда.
Овутаман гўдак қувончим,
Кулгиларим титраб лабимда.
Юрагимда кечар бир туйғу,
Туюлади хонам кўзга тор.
Тилларимни тарк этар уйқу,
Хайқиради кўзларим бедор.
Кечаётган ғофил асрлар,
Уйғонади бу тонгда бўзлаб.
Тарс ёрилиб кўҳна қабрлар,
Ўликлар ҳам юборар сўзлаб...
Уйғонаман руҳимда титроқ,
Оҳларимни ичимга ютиб.
Зулуматни унутиб бироқ,
Ёруғликни энтикиб кутиб.

* * *

Кўзингдан олиб фараҳ,
Юрагимни доғладим.
Вужудим Ерда карахт,
Руҳим кўкка чоғладим.

Ёнимда бўлсайдинг сен,
Кўкда этардим парвоз.
Турмасдим ҳовучлаб мен,
Юрагим мисли дорбоз.

Номаълум қай осмонда,
 Портлар юрагим ногоҳ,
 Қай юртда, қай маконда,
 Тошилур менга паноҳ?
 Айтай десам сиримни,
 Ишонмайман қаламга,
 Қанд й ишай умримни,
 Сигмасам бу оламга?
 Айб этма кўзёшларни,
 Хажрингда чекдим фарёд.
 Қўпорарман тошларни,
 Тоғларда мисли Фарҳод!
 Ҳам Ерда, ҳам самода,
 Мавжудман асли ўзим.
 Сен бўлмасанг Дунёда,
 Кимга керакдир сўзим?
 Улим ҳақдир, тонмайман,
 Ҳаётим—сен, сен—ажал.
 Булутларда ўйнайман,
 Юрак—қўлимда машъал.

* * *

Саргардон судралди
 бу умр танҳо,
 Бир кўзи қон тўла, бир кўзи ёш тўла.
 Нохос ҳаётимда сен бўлдинг пайдо,
 Саҳар киприк очди
 кўрниди шуъла.
 Рухим кўзи билан оқдим, дунё—оқ,
 Ранглар оҳангида
 қамашди сўзим.
 Улкан бир ҳайратга
 айланди қабоқ,
 Юрагим уйғонди,
 уйғондим ўзим!
 Интизор келдим мен,
 зору зор келдим,
 Қоронғи тунлардан келдим—
 зим-зиё.

Кечани, бугунни, эртани билдим,
Билдим,
муҳаббатга ташнадир дунё!
Бу кун сени топдим, бахтим бепоён,
Сенсан бу дунёдан олган инъомим.
Сеники бўлгайдир бир умр ишон,
Қувонч изтиробга тўла
ҳар оним!

Энди сеникидир
фараҳли кунлар,
Бу кун ўзлигимни англарман аён.
Томиримда оққан ташналаб туғён,
Қалбинг дарёсидан сув ичар тунлар!
Умрим сенинг билан
бўлибдир ҳамроз,
Англадим дунёда севги борлигин.
Руҳим фалакларда этганча парвоз,
Ёнар, ёнаверар
менинг борлигим!

ЮРАГИМ ЁНАР АРМОНДА

Юлдуззорлар чаман-чаман,
Гуллагай бу кеч осмонда.
Ёдимга тушсанг замон,
Азоблар туярман жонда.
Келар баҳор, келар кузлар,
Не ҳол рўй берар бўстонда.
Етмас ёримга бу сўзлар,
Хувиллар боғлар Сурхонда.
Тоқатим йўқдир бу нафас,
Кезар шарори ишқ қонда.
Чин ошиғингман, бул ҳавас —
Ёр бўлмас Ўзбекистонда.
Тоғлар бурди тоғларга юз,
Ушбу югурик давронда.
Нечун келмасмиз юзма-юз,
Юрагим ёнар армонда.

МУНДАРИЖА

«Юксаклик...»	3
«Кўзларимда дунё...»	3
Ҳақиқат	3
«Шошдилларнинг эрур давоми...»	4
Тез ёрдам	5
«Юзма-юз турибмиз...»	6
Отам билан урушдан қирқ йил кейинги суҳбат	7
Бу бизнинг еримиз	9
Шеърят	9
Ҳамал	10
Ватан туйғуси	11
Муқанна	12
Тоғам Абдуҳолиқ хотирасига	12
Ўғит	12
«Қалбим, сендан туйғун...»	13
Мусича	14
Муин Бсису	14
«Гоҳ айтасиз...»	15
Ўтаётган йиллар	15
«Тилларинг ҳар сафар...»	16
Уй	17
Ёввойи гуллар	18
«Менинг умид билан...»	19
Хотира	20
«Бир ойлик меҳнати...»	21
«Менинг олиб бўлмагай қўлга...»	22
«Юрагимнинг ҳажми...»	23
«Инсон ётса уйқуда карахт...»	24
«Мен қанча гапирмай...»	25
«Келганман, эҳтимол...»	26
Ношуд одам	30
Халқ йўлида	30
Қуримаган ҳали кўзёшим...»	31
«Баҳор бу ўлкага...»	32
«Эсимда учрашув...»	33
Кўҳна оҳангларда	33
Дарахтнинг уч ҳолати	34
Алла	35
«Юрак жим ўртанди...»	37
Онамга	37
«Қўшилмапти бизларнинг тақдир...»	38

«Осмон ютар оқ юлдузларни...»	39
«Сокин далаларга...»	40
Зиёда момонинг тушлари	40
Тонг	42
Отам ҳақида қўшиқ	42
Еламан	43
Кечикиш	43
Чорлов	45
«Юрак—кўкрагимда...»	46
«Уйғонаман...»	47
Кўзингдан олиб фараҳ...»	47
«Саргардон судралди...»	48
Юрагим ёнар армонда	49

Литературно - художественное издание

АБДУМАЖИД АЗИМОВ

РОДИНА МОЕЙ ДУШИ

Стихи

Художник Бакирова Г.

Ташкент, издательство литература и искусство
им. Г. Гуляма.

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

АБДУМАЖИД АЗИМОВ

ҚАЛБИМНИНГ ВАТАНИ

шеърлар

Муҳаррир М. Юсупов

Расмлар муҳаррири А. Мамажонов

Техн. муҳаррир М. Мирражабов

Мусаҳҳиҳ З. Тожиев

ИБ №4640

Бохмахонага берилди 15. II. 89. Босишга рухсат
этилди 27. II. 90 Бичими 70x90/32.
Босмахона қоғози №2. Мактаб гарнитура. Юқори
босма. Шартли босма тобоғи 1.90. Шартли кр.—
оттиск 2,04. Нашр тобоғи 2,4. Жами мусха 8000.
178 рақамли буюртма. Баҳоси 30 т. 200 — 89.
рақамли нашрнома. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР матбуот давлат комитети
Қашқадарё вилояти босмахонаси. Қарши,
Карл Маркс, хиёбони, 22.